

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АВЛОКУЛОВ АНВАР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Авлокулов Анвар Зиядуллаевич

Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини
такомиллаштириш..... 3

Авлокулов Анвар Зиядуллаевич

Совершенствование методологии учета и аудита финансовых
результатов..... 33

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich

Improving the methodology of accounting and auditing financial results 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 67

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АВЛОКУЛОВ АНВАР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИ
МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/Iqt115, рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида bajarилган.

Диссертация а-втореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтлари (www.tfi.uz) ва "ZiyoNet" таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) joylashtirilgan.

Илмий маслаҳатчи: Каримов Акрам Аббасович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Пардаев Мамаюнус Қароибоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аликулов Абдумўмин Нematович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Каримов Нematулла Фатхуллатович
иқтисодиёт фанлари доктори

Ётавчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт
университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 30.07 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, Тел: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: tmi@tmi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил "6" 07 кунин тарқатилди.
(2019 йил "6" 07 даги 23 - рақамли ресми баённомаси.)



[Signature]
И.И. Қўшев
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

[Signature]
С.У. Меҳмонов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

[Signature]
Ж.И. Каримкулов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.и., доцент

КИРИШ (Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий мақсади ижобий молиявий натижага эришиш, яъни максимал даражада фойда олишдир. “2018 йил яқунларига кўра дунёнинг энг йирик 10 та компаниясининг йиллик соф фойдаси 312,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган”¹. Бу эса, дунёнинг ўнлаб мамлакати ялпи ички маҳсулотидан кўпдир. Эътиборли жиҳати, ана шу 10 та компаниянинг барчасида молиявий натижалар ҳисоби ва аудити халқаро стандартлар талаби даражасида ташкил қилинган. Шу ҳолат компанияларда молиявий натижалар ҳисоби ва аудити тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотларни олиш ва муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятини яратиб берган. Бу шундан далолат берадики, халқаро бозорга чиқиш хорижий ҳамкорларнинг молиявий натижалар ҳисоби ва аудити хусусиятларини аниқлаш, уларда молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларини қўллашни тақозо этади. Шунинг учун айни пайтда бутун дунёда молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишга эътибор қаратилмоқда. Ваҳоланки, жаҳоннинг кўпгина давлатлари фонд биржаларида акциялари жойлаштирилган компаниялардан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш талаб этилади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, жаҳон мамлакатларида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида молиявий натижалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ана шу тадқиқотларда даромад ва харажатларни тан олиш, турли баланс назарияларида молиявий натижаларни шакллантириш, бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни турли концепциялар бўйича акс эттириш, молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш, молиявий натижалар аудитида таҳлилий амалларни қўллаш, рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш масалалари ўз ечимини топган. Эътироф этиш жоизки, тадқиқотлар йўналишида айни пайтда даромад ва харажатларни таснифлаш, ялпи даромад тўғрисида ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш, молиявий натижалар юзасидан ҳисоб ахборотларининг ишончилигини ошириш, рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш, аудиторлик текширувларида муҳимлик ва риск даражаларини қўллаш, молиявий натижалар аудити сифатини оширишни такомиллаштиришга эришилган. Лекин, молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил

¹ <https://www.gfmag.com/global-data/economic-data/largest-companies>

этиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг шаффофлигини таъминлаш, молиявий натижалар кўрсаткичларини халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларнинг ишончилигини тасдиқлаш муҳим ҳисобланади. Бирок, молиявий ҳисоботларнинг сифати ва уларнинг аудиторлик текширувларидан ўтказилиши халқаро стандартлар талабларига мос келмайди. Хусусан, “аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаяпти”² каби муаммоларнинг қайд этилиши молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг методологик муаммоларини бартараф этиш, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни халқаро стандартлар талаблари даражасида шакллантиришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2015 йил 24 апрелда ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид яна бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, International

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сон Қарори. (<http://lex.uz/pdfs/3914502>)

³ <https://www.ifrs.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.pwc.com>; <https://www2.deloitte.com>;
<https://home.kpmg/xx>, <https://www.nitrkl.ac.in>; <https://www.usf.edu>; <https://www.leeds.ac.uk>;
<https://i2cner.kyushu-u.ac.jp>; <https://www.msu.ru>; www.unn.ru; <https://www.fa.ru>; <http://tsue.uz>;
<http://www.sies.uz>; <http://www.tfi.uz>.

Accounting Standards Board (IASB), American Institute of Certificate Public Accounting (AICPA), Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche, KPMG, Rourkela National Institute of Technology (Хиндистон), University of South Florida (АҚШ), University of Leeds (Буюк Британия), Kyushu University (Япония), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Н.И.Лобачевский номидаги Нижегород давлат университети, Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети (Россия Федерацияси), Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар бўйича қатор илмий натижалар олинган: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) асосида ялпи даромад тўғрисида ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш қоидалари ишлаб чиқилган (International Accounting Standards Board); МҲХС талабларига мувофиқ даромадларни тан олиш методологияси тавсия этилган (Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche); бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш методологияси такомиллаштирилган (Rourkela National Institute of Technology); диалектик ёндашув асосида фойданинг шаклланиши генезиси тадқиқ этилган (Kyushu University); рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий ҳисоботларни модернизациялаш ва ахборотларни тақдим этиш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқилган (Н.И. Лобачевский номидаги Нижегород давлат университети); даромад ва харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобининг интеграциялашган тизими ишлаб чиқилган (Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги молия университети).

Жаҳонда молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ялпи даромад тўғрисида ҳисоботни трансформациялаш жараёнини такомиллаштириш; молиявий натижаларни шакллантиришда бухгалтерия ҳисоби тизимларини конвергенциялаш; молиявий ҳисоботларни рақамли форматда тақдим этишни такомиллаштириш; ялпи даромад тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини интерпретациялаш; молиявий натижалар аудити сифати ва ахборотлар шаффофлигини оширишнинг методологик масалалари.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг назарий ҳамда услубий асосларини яратиш ва уни такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Улар жумласига Х.Андерсон, Э.А.Аренс, Ch.H.Gibson, О.И.Гусарова, Б.Т.Жарылгасова, Д.Колдуэлл, А.И.Нечитайло, Б.Нидлз, Дж.К.Лоббек, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, В.П.Суйц, N.Trabelsi,

Dr.M.Tulsian va A.D.Шереметни киритиш мумкин⁴.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан А.И.Алиқулов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, Н.Ф.Каримов, З.Т.Маматов, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасанов, К.Б.Ўразов, З.Н.Қурбонов, Б.Қ.Ҳамдамовнинг асарларида молиявий натижаларни ҳисобга олиш ва аудитининг назарий жиҳатларини ривожлантириш масалалари ва йўналишлари ўрганилган⁵.

Шунингдек, Х.Д.Ахмедов, З.Ф.Иватов, А.Р.Мухамедходжаев, М.Ю.Раҳимов, А.Ж.Туйчиев, Ш.У.Хайдаров, А.С.Шамшетовнинг диссертация ва монографияларида молиявий натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланишига замин яратилди⁶.

Таъкидлаш зарурки, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида айнан молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг методологик муаммоларини ўрганишга кенг эътибор қаратилмаган ҳамда амалдаги норматив ҳужжатларнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитига

⁴ Арнс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. пер. с англ. под ред. проф. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1995. – 560 с.; Charles H. Gibson. Financial Reporting & Analysis. Eleventh Edition. South-Western Cengage Learning, USA. 2009. 608 p., Гусарова О.И. Аудит финансовых результатов промышленного предприятия. //Аудиторские ведомости. -2004.-№1.- январь. -28 с.; Жарылгасова Б.Т. Методология управленческого учета затрат и формирования финансовых результатов в сельскохозяйственных организациях. Монография. -М.: Дашков и К, 2007. – 128 стр.; Нечитайло А.И. Регулятивы финансовых результатов в системе бухгалтерского учета: научное издание. Монография. – СПб.: Изд-во РГГМУ, 2007. – 166 стр.; Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учёта. – Москва: Финансы и статистика, 1997.-496 с.; Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. – Москва: ИНФРА-М, 2003. – 454 с.; Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. –М.: Финансы и статистика, 2000. 36-б.; Trabelsi N. IFRS 15 Early adoption and accounting information: case of real estate companies in Dubai. //Academy of Accounting and Financial Studies Journal Volume 22, Issue 1, 2018. <https://www.abacademies.org>; Tulsian. Dr. Monica. Profitability Analysis (A comparative study of SAIL & TATA Steel). IOSR Journal of Economics and Finance e-ISSN: 2321-5933. Volume 3, Issue 2. Ver. I (Mar. - Apr. 2014), PP 19-22 www.iosrjournals.org; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: Учебник. М.: ИНФРА-М., 2005.-448 с.

⁵ Алиқулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва тахлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2011. – 188 б.; Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: 2002. – 42 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. – Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – 152 б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: Монография. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2006. -262 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2005. – 40 б.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Тошкент: 2008. – 252 б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий тахлилининг назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2002. – 43 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2004. – 42 б.; Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 236 б.; Қурбонов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методологик муаммолари. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2008. – 156 б.; Ҳамдамов Б.К. Аудит иқтисоди. Монография. – Тошкент: 2005. – 251 б.

⁶ Ахмедов Х.Д. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент. 2007.-22 б.; Иватов З.Ф. Молиявий натижалар аудитини такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 2006.- 23 б.; Мухамедходжаев А.Р. Бозор муносабатларига ўтиш даврида товарларни сотиш, молиявий натижаларнинг ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 2003.-22 б.; Раҳимов М.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик автореферати. –Тошкент, 1999.-23 б.; Туйчиев А.Ж. Рақобатчилик муҳити шаклланаётган тармоқ корхоналарида маҳсулотларни сотиш ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби в таҳлилинди такомиллаштириш. Монография. -Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. -152 б.; Хайдаров Ш.У. Бухгалтерский учет и анализ финансовых результатов предприятий розничной торговли потребительской кооперации в условиях рыночной экономики: автореферат дис. ... кандидата экономических наук: 08.00.12.- Москва, 1993.- 22 с.; Шамшетов А.С. Молиявий натижалар аудити ва тахлилинди такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 2007. -23 б.

мувофиқ ўзгариб бориши ушбу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш лозимлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда 2015-2017 йилларга мўлжалланган А2-20-сонли “Аудит текширувида расмийлаштириладиган ишчи ҳужжатлар тўпламини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

молиявий натижалар тушунчаси ва унинг тавсифланишини назарий ҳамда услубий жиҳатдан асослаш;

молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

молиявий натижалар ҳисобини ташкил қилишда қўлланиладиган иқтисодий категорияларнинг моҳиятини тадқиқ қилиш ва уларни қўллаш механизминини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

молиявий натижаларни шакллантириш бўйича жаҳон амалиётида мавжуд баланс назарияларининг иқтисодий моҳиятини тадқиқ этиш ва мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар амалиётига самарали тарзда татбиқ этиш йўналишларини белгилаш;

молиявий натижалар хусусидаги ахборотларни халқаро стандартлар талаблари даражасида молиявий ҳисоботларда акс эттириш бўйича дунёнинг йирик компанияларида катта иқтисодий самара бераётган семантик, синтактик ва прагматик концепцияларнинг иқтисодий моҳиятини тадқиқ этиш ва мамлакатимиз амалиётида қўллаш механизминини белгилаш;

бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни бюджетлаштириш жараёнини такомиллаштиришга оид илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

молиявий натижалар аудитининг услубий асосларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

молиявий натижалар аудитида ички назорат тизимини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарадиган саноат тармоғидаги акциядорлик жамиятлари молиявий-хўжалик фаолияти тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг назарий, амалий ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-манتيкий фикрлаш, монографик

кузатув, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия ҳисобида молиявий натижалар кўрсаткичлари бўйича ахборотлар қамровини кенгайтириш ва шаффофлигини оширишда прагматик концепцияни қўллаш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини аниқлашда “чиқим”, “сарф” ва “харажат” категорияларининг иқтисодий моҳияти аниқланган ва уларни қўллаш механизми такомиллаштирилган;

молиявий натижалар ҳисоби бўйича ички назорат методикасини такомиллаштиришда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот назоратининг уч босқичли алгоритми ишлаб чиқилган;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари аудитини самарали ташкил қилишда аудиторлик фаолиятига “ҳалоллик” принципи киритилган;

молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, молиявий натижалар аудитини режалаштириш, маҳсулотларни сотиш ва молиявий натижалар аудитини ташкил қилиш, маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдани текшириш, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни текшириш йўналишларини белгилаш орқали аудиторлик текширувларини ўтказиш услуги такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

молиявий натижаларни хўжалик юритувчи субъектлар томонидан халқаро стандартлар талаблари даражасида шакллантиришда органик баланснинг самараси аниқланган ва ундан фойдаланиш механизми таклиф этилган;

товар-моддий захиралар камомоди суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда табиий камайиш меъёрлари чегарасида, шунингдек камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган ҳолларда, уни бошқа операцион харажатлар таркибида ҳисобга олиниши асосланган;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг сифатини ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

бухгалтерия ҳисоби объектлари устидан доимий назорат ўрнатиш мақсадида “Бюджетлаштириш тўғрисида Низом” ва “Даромад ва харажатлар бюджети” ишлаб чиқилган;

аудиторлик rischi даражасини камайтириш, аудиторлик текшируви вақти ва ҳажмини оптимал тақсимлаш мақсадида ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини баҳолашнинг бешта даражаси ишлаб чиқилган;

эконометрик моделларни қўллаш орқали активлар рентабеллиги ўзгаришига активлар, солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда ва харажат кўрсаткичларининг таъсирини баҳолаш механизми таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг умумтан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, хўжалик юритувчи субъектларга оид маълумотларнинг ҳисобот манбаларидан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда фойдаланишга жорий этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш, уни халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил қилиш ҳамда мамлакатимизда “Бухгалтерия ҳисоби”, “Аудит” фанларини илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ва услубий тавсияларда ўз ифодасини топади. Илмий натижалардан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасаларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бухгалтерия ҳисобида молиявий натижалар кўрсаткичлари бўйича ахборотлар қамровини кенгайтириш ва шаффофлигини оширишда прагматик концепцияни қўллаш борасидаги таклифлардан Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан молиявий ҳисобот халқаро стандартларини маҳаллий амалиётга имплементациялаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2019 йил 20 мартдаги № 66/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида бухгалтерия ҳисобида молиявий натижалар кўрсаткичларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари даражасида шакллантириш имкониятини берган ва ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг оқилона ва тезкор тарзда қарор қабул қилиш имкониятини яратган;

бухгалтерия ҳисобида “чиқим”, “сарф” ва “харажат” категорияларига аниқлик киритиш борасидаги таклифлардан Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан маҳсулот (иш, хизмат) таннархини аниқлаш бўйича услубий қоидаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2019 йил 20 мартдаги № 66/1-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектларда улар фаолиятининг асосий кўрсаткичи – таннарх категориясини бухгалтерия ҳисобида аниқ акс эттириш имконини берган;

молиявий натижалар ҳисоби бўйича ички назорат методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлардан “Тошкентдонмахсулотлари” АЖ ва “Қорасув пахта тозалаш” АЖда ички назорат самарадорлигини таъминлашда фойдаланилган (“Ўздонмахсулот” АКнинг 2019 йил 15 февралдаги № 14-1-23/82-303-сон, “Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2019 йил 1 мартдаги № 02-23/14-57-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида молиявий натижалар ҳисоби бўйича ички назоратнинг самарали амаллари қўлланилишига эришилган, молиявий ҳисоботларни назорат қилишнинг уч босқичли алгоритми қўлланилиб, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган. Натижада 2018 йилда “Қорасув пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг бошқа операцион харажатлари 290,1 миллион сўмга камайишига эришилган;

аудитни самарали ташкил қилишда аудиторлик фаолиятига “ҳалоллик” принципини киритишги оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 10 майдаги № ДС 17-02-35/383-2737-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари аудитини самарали ташкил этишга хизмат қилган;

молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, молиявий натижалар аудитини режалаштириш, махсулотларни сотиш ва молиявий натижалар аудитини ташкил қилиш, махсулот сотишдан олинган ялпи фойдани текшириш, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни текшириш бўйича илмий таклифлардан 5230900-“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун тавсия этилган “Аудит” фани бўйича тайёрланган дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 1000-сонли буйруқ, 1000-019 рақамли гувоҳнома). Ушбу таърифларнинг дарсликка киритилиши молиявий натижалар аудитининг назарий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та, жумладан 17 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола, шундан, 2 та хорижий ва 14 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 203 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар ҳисобининг назарий асослари”** деб номланиб, унда молиявий натижалар шаклланиши борасида таълимотлар генезиси, бухгалтерия ҳисобида молиявий натижалар кўрсаткичларининг шаклланиши ва акс этирилиши, молиявий натижаларни шакллантиришда баланс назарияларининг ўрни ва аҳамияти тадқиқ этилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар самарали фаолият юритиши ва ўз фаолиятидан фойда олишга ҳаракат қилади. Иқтисодиёт ва тадбиркорликда “фойда” энг кўп учрайдиган ва фойдаланиладиган категория ҳисобланади. Фойда – энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг асосий кўрсаткичи, унинг мазмуни ҳисобланади.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ва соф фойда ўзгариши динамикаси ўрганилди (1-расм ва 1-жадвал).



1-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат корхоналарининг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми, млрд.сўм⁷

⁷ Даавлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-расм маълумотларига кўра саноат корхоналарида соф тушумнинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноатга тўғри келган. Саноатнинг ушбу турида 2014 йилда соф тушум 47943,8 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб, 103161,8 млрд.сўмни ташкил қилган. Саноатнинг бошқа тармоқларида эса ўсиш деярли кузатилмаган. Бу ҳолат пировардида соф фойда кўрсаткичига бевосита таъсир қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Саноат корхоналарида соф фойда ўзгариши динамикаси, млрд.сўм⁸

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2017 йилда 2014 йилга нисбатан, ўзгариши
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	607,3	2643,3	2652,4	-2612,4	4,3 бараварга камайган
Ишлаб чиқарадиган саноат	3439,8	3645,1	4804,7	7950,5	2,3 бараварга ошган
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	201	160,6	-122,2	-727,9	3,6 бараварга камайган
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	11,4	11,3	24,2	20,9	1,8 бараварга ошган
Барча саноат	4259,5	6460,3	7359,1	4631,1	1,1 бараварга ошган

1-жадвал маълумотларига эътибор қаратилса, саноатнинг барча тармоқларида соф фойда 2017 йилда 2014 йилга нисбатан 1,1 бараварга ошганлигини кузатиш мумкин. Бу ўсиш асосан ишлаб чиқарадиган саноат (2,3 баравар) ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатига (1,8 баравар) тўғри келган. Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноати таъсири унчалик катта эмас, чунки уларнинг улуши жами саноатда жуда кичик салмоқни ташкил этади (масалан, 2017 йилда ушбу саноат соф фойдаси жами саноатда атиги 0,4 %ни ташкил этган).

2014-2017 йиллар маълумотларига эътибор қаратилса, тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноати соф фойдаси камайиб, зарар ҳолатига тушган. Яъни, 2017 йилга келиб тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналарининг умумий зарари -2612,4 млрд.сўмни ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш саноати корхоналариники -727,9 млрд.сўмни ташкил этган.

Молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобот даврида хусусий капитал қийматининг ўсиши (камайиши)ни ўзида акс эттирувчи молиявий натижа ҳисобланади. Молиявий натижалар тўғрисида сўз юритилганда, унинг моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз.

“Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун” номли концептуал асосга кўра, “Молиявий натижалар - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард

⁸ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

иктисодий якунидир”⁹.

Тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, молиявий натижалар кўрсаткичлари бўйича иктисодчи олимлар томонидан турлича ёндашувлар шакллантирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Бухгалтерия ҳисобида молиявий натижалар моҳиятини изоҳлашга доир ёндашувлар

Манба	Таъриф
Соколов Я.В., Пятов М.Л. ¹⁰	Молиявий натижа хўжалик юритувчи субъектнинг даромад ва харажатлари ўртасидаги фарқ ёки соф активларининг ўсишидир
Салова А.А. ¹¹	Молиявий натижа муайян даврда фойда (зарар) ҳажмининг ўсиши ёки камайишини ифодаловчи кўрсаткичдир.
Савицкая Г.В. ¹²	Корхона фаолиятининг молиявий натижалари - олинган фойда ва рентабеллик даражасини ифодалайди.
Пошерстник Н. ¹³	Молиявий натижалар кўрсаткичлари - корхона фаолияти натижасида олинган иктисодий самарани ифодалайди.
Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. ¹⁴	Молиявий натижалар - бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Демак, молиявий натижалар фойда ва зарарларни ҳисоблаш билан якунланиб, хўжалик юритувчи субъектнинг муайян даврдаги активларининг ошиши ёки камайишини ҳам акс эттиради.

Шу билан бир қаторда эътироф этиш керакки, айти пайтда шу масалада ахборотлар шаффофлиги ва кўрсаткичларнинг барча учун мақбуллигига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ахборотларнинг шаффофлиги иктисодий категорияларнинг тўғри қўлланилишига боғлиқ. “Чиқим”, “сарф” ва “харажат” категорияларини чуқур таҳлил қилиш бухгалтерия ҳисобида муҳим масалалардан биридир. Чунки ушбу категориялар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган маҳсулот таннархининг тўғри шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ушбу категорияларнинг моҳияти ҳамда уларнинг амал қилиш доирасини аниқ белгилаб олишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик (2-расм).

⁹ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари. -Т.: ЎБАМА, 2001. – 172 б.

¹⁰ Соколов Я.В. Финансовый результат как цель бухгалтерского учета / Я.В.Соколов, М.Л.Пятов //Бухгалтерский учет. – 2007. – № 21. – С. 56-59.

¹¹ Салова А.А. Понятие, сущность и значение финансового результата предприятия. //Альманах современной науки и образования, № 7 (120) 2017.

¹² Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: учебник / Савицкая Г.В. -М.: Инфра-М, 2013. – 384 с.

¹³ Пошерстник Н.В. Бухгалтерский учет на современном предприятии: учебно-практическое пособие. –М.: Проспект, 2011. -560 с.

¹⁴ Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлокулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: “Шарқ” НМАК, 2004. -592 б.



2-расм. “Чиким”, “сарф” ва “харажат” категорияларининг амал қилиш доираси¹⁵

2-расмдан кўриниб турибдики, мазкур категориялар ўртасида фарқли жиҳатлар мавжуд. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига бевосита таъсир қиладиган ана шу категориялар услубий жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқланади. Бухгалтерия ҳисобида маҳсулот таннархини тўғри аниқлашда “харажат” категорияси муҳим ўрин тутаяди. Айнан харажатлар миқдорининг тўғри белгиланиши маҳсулот таннархи тўғри шаклланишига хизмат қиладди.

Юқоридаги назарий қарашлар Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида ҳисоб юритиш ва аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)ни қўллаш жараёнида ўз долзарблигини намоён этади. Ана шу иқтисодий категорияларнинг моҳиятини ва бир-биридан фарқли жиҳатларини тўғри талқин этиш хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари, уларнинг манбалари ва иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда муҳим роль ўйнайди. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилган таклифлар шу соҳада норматив ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш барча фойдаланувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Бухгалтерия ҳисоби назариясига эътибор қаратсак, молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантиришда 3 та асосий назария мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз: статик, динамик ва органик. Статик назариянинг асосий мақсади мулк қиймати ва молиявий мустақиллик коэффицентини аниқлаш бўлса, динамик назарияда асосий эътибор рентабеллик кўрсаткичларини аниқлашга

¹⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

қаратилади. Статик ва динамик назариялар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида органик баланс назарияси шаклланган. Ушбу назария статик ва динамик баланс назариялари талабларини имкон қадар уйғунлаштирган. Органик назарияда ахборотлар ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ушбу назариянинг мақсади ҳам молиявий натижаларни, ҳам мулкий ҳолатни биргаликда аниқлаш ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган баланс назарияларининг молиявий натижалар шаклланишидаги фарқли жиҳатлари қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Молиявий натижалар шаклланишига оид баланс назарияларининг қиёсий таҳлили¹⁶

Мезон	Баланс назариялари ва уларнинг номланиши		
	Статик	Динамик	Органик
Ҳисоблаш мақсади	Тўловга лаёқатлилик, молиявий барқарорликни аниқлаш	Рентабелликни аниқлаш	Молиявий натижаларни аниқлаш ва мулкий ҳолатни баҳолаш
Фойдаланувчилар манфаати	Кредитор ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш	Мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш	Ҳам ташқи, ҳам ички фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш
Ҳисоблаш элементлари	Актив, капитал, мажбурият	Даромад, харажат, фойда	Актив, капитал, мажбурият, даромад, харажат, фойда
Элементларни баҳолаш	Муаяйн вақтда инвентаризация ўтказиш натижасида асосий элементларни баҳолаш	Таннарх бўйича асосий элементларни баҳолаш	Жорий қиймат бўйича баҳолаш

Фикримизча, органик баланс назарияси статик ва динамик назария ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда ҳисоботдан фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг объектив ҳолатини тақдим этиш, жорий мулкий ҳолатни, фойда (зарар)ни ҳаққоний акс эттириш ва кутилаётган даромадлар ҳақида ахборот беришга имконият яратади.

Органик баланс назарияси МҲХС талабларига тўла жавоб беради, чунки ҳозирги пайтда долзарб бўлган жорий қиймат концепцияси моҳиятан активларни қайта баҳолашни назарда тутаяди.


Диссертациянинг иккинчи боби “**Молиявий натижалар ҳисобининг методологик муаммолари**” деб номланиб, унда молиявий натижалар ҳисобини юритиш ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни шакллантиришда ҳисоб принциплари қўлланилишининг услубий жиҳатлари, бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни акс эттиришнинг концептуал ёндашувлари, бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларни

¹⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Бухгалтерия ҳисобида фойданинг моҳиятини акс эттирувчи турли хил кўрсаткичларнинг жамлашуви унинг кўп қирралилигини ифодалаб, иқтисодий жараёнлар хусусидаги ахборотларнинг аниқлигини таъминлайди.

Тадқиқот давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг учта муҳим саноат тармоғида фаолият юритаётган йирик корхоналарнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ўрганилди. Хусусан, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ, “Дўстликдонмаҳсулотлари” АЖ, “Алимкент пахта тозалаш” АЖ, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ ва “Гулистон экстракт ёғ” АЖ даромадлари таркибида маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушумнинг салмоғига баҳо берилди (3-расм).




3-расм. “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ, “Дўстликдонмаҳсулотлари” АЖ, “Алимкент пахта тозалаш” АЖ, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ ва “Гулистон экстракт ёғ” АЖ даромадлари таркибида маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушумнинг салмоғи, фоизда¹⁷

3-расм маълумотларига эътибор қаратилса, деярли барча акциядорлик жамиятларида даромадларнинг асосий қисмини маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум кўрсаткичи эгаллаган (барчасида 95-99 фоиз атрофида). Бу эса уларда даромад манбаининг муҳим қисми асосий фаолият билан боғлиқлигидан далолат беради. Аммо, бозор иқтисодиёти шароитида қўшимча даромад манбаларини излаб топиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

¹⁷ “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ, “Дўстликдонмаҳсулотлари” АЖ, “Алимкент пахта тозалаш” АЖ, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ ва “Гулистон экстракт ёғ” АЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

4-расмда “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ, “Дўстликдонмаҳсулотлари” АЖ, “Алимкент пахта тозалаш” АЖ, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ ва “Гулистон экстракт ёғ” АЖда сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархининг жами харажатлардаги салмоғи ўрганилган.



4-расм. “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ, “Дўстликдонмаҳсулотлари” АЖ, “Алимкент пахта тозалаш” АЖ, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ ва “Гулистон экстракт ёғ” АЖда сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархининг жами харажатлардаги салмоғи, фоизда¹⁸

4-расм маълумотларига эътибор қаратилса, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ, “Алимкент пахта тозалаш” АЖ ва “Қорасув пахта тозалаш” АЖда жами харажатлар таркибида сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи жуда юқори эканлигини

¹⁸ “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ, “Дўстликдонмаҳсулотлари” АЖ, “Алимкент пахта тозалаш” АЖ, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ ва “Гулистон экстракт ёғ” АЖ молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кузатиш мумкин (83,1%дан 92,8 %гача). “Тулистон экстракт ёғ” АЖда 2013 йилда 79,8 %, 2016 йилда 79,7%ни ташкил қилганлигининг гувоҳи бўлинади.

Диққатни жалб этган жиҳат шундаки, “Дўстликдонмаҳсулотлари” АЖда 2017 йилда жами харажатлар таркибида сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи 64,5%ни ташкил этганлигидир.

Бунинг асосий сабаби йиллар давомида “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги акциядорлик жамиятларида 1500-“Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш” счётида йиғилиб қолган зарарлар суммасининг битта ҳисобот даврида 9430-“Бошқа операцион харажатлар” счётига ҳисобдан чиқарилишидир. Фикримизча, “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ ва “Алимкент пахта тозалаш” АЖ раҳбарияти маҳсулот таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, хорижий мамлакатларда молиявий натижаларни шакллантиришда синтактик, семантик ва прагматик концепциялар қўлланилаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Хусусан, синтактик концепцияда фаолият турлари бўйича қанча фойда олганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Семантик концепцияда эса хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти қанча фойда олганлиги ва қанча миқдорда фойда солиғи тўлаши хусусидаги ахборотлар атрофлича акс эттирилади. Прагматик концепция эса молиявий натижалар хусусидаги ахборотларни ички ва ташқи фойдаланувчилар манфаатлари нуқтаи назаридан шакллантиришни кўзда тутаяди.

Миллий иқтисодиётимиз тармоқларида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар хусусиятларидан келиб чиқиб, прагматик концепция бугунги кун талабларига тўла жавоб бериши асосланди ҳамда бухгалтерия ҳисоби ахборот функциясининг мукамал ишлашини таъминлаши кўрсатиб берилди.

Кейинги йилларда иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий, мулкӣ ва ҳуқуқӣ ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришда режалаштириш жараёнини бюджетлаштириш билан тўлдириб боришни тақозо этмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини бошқаришга бўлган ёндашувдан келиб чиққан ҳолда бюджетлаштириш ишончли ва ҳаққонӣ ахборотлар асосида кейинги фаолиятни режалаштиришда муҳим ўрин тутаяди.

Даромад ва харажатлар бюджети хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини бошқаришни таъминлайди. Бюджетларни шакллантириш ва ижро этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган методология бухгалтерия ҳисобининг воситаси сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад ва харажатлари ҳамда молиявий натижаларини башорат қилиш, молиявий самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилаш, харажатларни оптималлаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлаш имконини беради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Молиявий натижалар хусусидаги ахборотларни ҳисоботларда акс эттириш ва улардан фойдаланишнинг методологик жиҳатлари”** деб номланиб, унда молиявий натижалар

тўғрисидаги ахборотларни халқаро стандартларга мувофиқ акс эттириш хусусиятлари, молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш масалалари ҳамда молиявий ҳисобот маълумотлари асосида рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш тартиби баён қилинган.

Халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъектларни самарали бошқаришда зарур ҳисобланади. Халқаро стандартларга ўтишдан асосий мақсад халқаро бозорга чиқиш ҳамда инвестицияларни жалб этишдир. Шунингдек, халқаро стандартлар мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшади. Бу жараёнда қулай инвестицион муҳит, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти очиклиги, бошқарувнинг акциядорлар олдидаги ҳисобдорлиги, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари жорий этилиши акциядорлик жамиятларининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

Молиявий ҳисоботларга қўйиладиган талаблар “Молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш” номли 1-сон МҲҲСда келтириб ўтилган. Халқаро стандартларга қарайдиган бўлсак, хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботи бухгалтерия ҳисоботи эмас, молиявий ҳисобот деб номланади. 1-сон МҲҲСга киритилган охириги ўзгаришларга назар ташланса, “Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот” “Ялпи даромад тўғрисидаги ҳисобот”га алмаштирилганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, тушумни ҳисобга олиш учун “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲҲС қабул қилинган ва 2018 йил 1 январдан кучга кирган. Янги стандартда тушумни тан олиш беш босқичга асосланган:

1. Харидор билан шартнома тузиш;
2. Шартнома мажбуриятларини белгилаш;
3. Битим нархини аниқлаш;
4. Мажбуриятларни бажаришда битим нархини тақсимлаш;
5. Келишув мажбуриятларини бажаришда тушумни тан олиш¹⁹.

“Харидорлар билан тузилган шартномалар бўйича даромадлар” номли 15-сон МҲҲС молиявий ҳисоботларда оддий фаолиятдан олинадиган даромадларни баҳолаш, аниқлаш, ҳисобга олиш ва акс эттириш учун МҲҲС тизимида илгари қўлланилган ёндашувни сезиларли даражада ўзгартирмоқда. Бухгалтерия ҳисобини МҲҲСга мослаштиришга қаратилган умумий йўналиш бухгалтерия ҳисоби қоидаларини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Молиявий ҳисоботда қўшимча ахборотларнинг кўплиги миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари ўртасидаги турли хил фарқларни ўрганиш имконини беради. Бу ҳолат бухгалтерия ҳисобини тўла интеграциялашувига қадар давом этади.

Қуйидаги жадвалда хорижий давлатларда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишга қўйилган талаблар келтирилган (4-жадвал).

¹⁹ Nadia Sbei Trabelsi. IFRS 15 Early adoption and accounting information: case of real estate companies in Dubai. //Academy of Accounting and Financial Studies Journal Volume 22, Issue 1, 2018. <https://www.abacademies.org>

4-жадвал

Халқаро амалиётда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишга қўйиладиган талаблар²⁰

Ҳисоботнинг фарқли жиҳатлари	Мамлакатлар			
	Италия	Франция	Германия	Россия Федерацияси
Йиллик молиявий ҳисобот таркибига қўшилиши мажбурийлиги	Мажбурий	Мажбурий	Мажбурий	Мажбурий
Тақдим этиш даврийлиги	1) Йиллик 2) Ярим йиллик (акциялари биржаларда котировка қилинган компаниялар учун)	Йиллик	Йиллик	Йиллик
Компания ҳажмига қараб тақдим этиш вариантлари	1) Одатий 2) Кичик корхоналар учун қисқартирилган	1) Асосий 2) Деталлашган 3) Қисқартирилган	1) Одатий 2) Кичик корхоналар учун қисқартирилган	1) Одатий 2) Кичик корхоналар учун қисқартирилган
Тузилиш шакли	Вертикал (Германия услуги)	Вертикал ва горизонтал	Вертикал шакл куйидаги кўринишда: функционал ёки харажатли (ишлаб чиқариш характерига кўра)	Вертикал
Фойдаланувчиларга мўлжалланганлиги	Солиқ органлари		Италия ва Францияга ўхшаш, аммо камроқ даражада	Ҳисоботнинг ташқи ва ички фойдаланувчилари

4-жадвал маълумотлари кўрсатадики, таҳлил қилинаётган мамлакатларда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш мажбурийдир. Аммо унинг тузилиш шакли ва фойдаланувчиларга мўлжалланишида фарқли жиҳатлар мавжуд.

Фойдани бошқаришда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб-таҳлил тизимида тегишли ахборотларни шакллантириш керак. Ҳозирги кунда иқтисодиёт субъектларида молиявий ҳисобот маълумотларини ишончли ва ўз вақтида тақдим этишга талаб кучаймоқда. Бу, ўз навбатида, фаолиятни тўғри режалаштириш, муқобил иқтисодий қарорлар қабул қилиш, корхонанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви, жаҳон бозорида глобаллашувнинг кучайиши молиявий ҳисобот ва унинг маълумотлар базасига янгича талабларни қўймоқда. Бу эса фойданинг

²⁰ Швецова О.В. Сравнительная характеристика Российских и зарубежных подходов к формированию информации о финансовых результатах в отчетности. Журнал “Аудит и финансовый анализ”, 4/2013. http://www.auditfin.com/fin/2013/4/2013_IV_02_13.pdf

шаклланиши ва тақсимланиши хусусидаги бухгалтерия ҳисобининг ахборот имкониятларини оширишни тақозо этмоқда.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Молиявий натижалар аудитининг ташкилий-методологик асослари”** деб номланиб, унда молиявий натижалар аудитининг ташкилий жиҳатлари, молиявий натижалар аудитини режалаштириш ва ички назорат тизимини баҳолаш масалалари, молиявий натижалар аудитида таҳлилий амалларни қўллашнинг моҳияти ва уларни бажариш тартиби баён этилган.


Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши ва корпоратив бошқарувнинг ривожланиши натижасида турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга профессионал аудиторлик хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикаимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш борасида бир нечта муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар аудитини ташкил қилиш ва ўтказиш борасидаги бир қатор масалалар ҳозиргача ўз ечимини топмаган.

Шу йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳририга таклифлар ишлаб чиқилди ва уни жорий этиш учун қонун лойиҳасига киритилди. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни талабларини халқаро стандартлар талабларига мос келишининг қиёсий таҳлили олиб борилганида бир қанча фарқли жиҳатлар аниқланди. Хусусан, ҳозирда амалда бўлиб турган қонунда “эркинлик” принципи мавжуд. Мазкур принцип “мустақиллик” принципи билан айнан ўхшашдир. Шу боисдан мазкур муаммони бартараф этиш ва “Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади ва уни тартибга солувчи асосий принциплар” номли 200-сон АХСнинг А15-банди талабларидан келиб чиққан ҳолда мазкур принципти “ҳалоллик” принципига алмаштириш лозим, деб топдик. Худди шунингдек, ҳозирда амалда бўлиб турган қонунда келтирилган “профессионал хизматлар” номли тушунчани “турдош хизматлар” тушунчасига алмаштиришни лозим, деб топдик. Бу “Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади ва уни тартибга солувчи асосий принциплар” номли 200-сон АХСнинг А17 ва А62-бандлари талабларига тўла мос келади.

Аудиторлик текширувини ўтказишда аудитнинг сифати ва самарадорлиги муҳим ўрин тутди. Бунинг учун, аввало, аудитор текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими ҳолатини чуқур ўрганиши лозим. Чунки ички назорат тизими аудиторлик рискига бевосита боғлиқ бўлиб, текшириш жараёнида аудитор рискни мақбул бўлган паст даражагача камайтириши ва аудиторлик амалларини қўллаш орқали ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши керак.

Ички назорат тизимининг ишончилиги ва самарадорлигини баҳолашнинг 5 та даражасини таклиф этамиз (5-расм).



5-расм. Ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини баҳолаш даражалари²¹

Ички назорат тизими ишончлилиги ва самарадорлигини баҳолашнинг юқорида келтирилган 5 та даражаси ўз ичига нафақат назоратнинг ҳолатини баҳолаш, балки уни такомиллаштириб боришни ўзида мужассам этади. Хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат тизими самарадорлиги юқоридаги даражалар бўйича такомиллашиб борган тақдирдагина, улар молиявий-хўжалик фаолиятининг барқарор тарзда ривожланиши, бухгалтерия ҳисоби ишларида чалкашликларнинг камайиши, ходимларнинг ўз функционал мажбуриятларини тўлақонли бажариши таъминланади. Бу ҳолат, аудиторлик rischi даражасини камайтириш, аудиторлик текшируви вақти ва ҳажмининг оптимал тақсимланиши, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ночор ҳолатга тушмаслигини таъминлашга хизмат қилади.

Аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ишлари ҳолатига баҳо берилади. Қуйида биз “Жомбойдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятининг махсулот ишлаб чиқариш таннархи аудиторлик текширувини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига тўхталиб ўтамиз (5-жадвал).

Жамиятда сотилган махсулотнинг таннархи соф тушумга нисбатан 90,1 фоизни ташкил этган. 5-жадвал маълумотларига кўра, жамиятда жами таннарх таркибида ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар 91,7 %ни, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари 3,3 %ни, ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари 0,7 %ни, асосий восита ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси 0,7 %ни, ишлаб чиқариш тусидаги

²¹ Муаллиф томонидан тузилган

бошқа харажатлар 3,6 %ни ташкил қилган.

5-жадвал

“Жомбойдонмахсулотлари” АЖ томонидан 2017 йилда сотилган махсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи таркиби²²

№	Харажатлар турлари	Сумма (минг сўмда)
1	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар	85 100 354
1.1	Хом-ашё ва материаллари	63 384 584
1.2	Дон сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар	9 328 227
1.3	Эҳтиёт қисмлар, инвентарлар ва хўжалик буюмлари	3 261 586
1.4	Электр энергияси	1 769 214
1.5	Ёқилғи мойлаш материаллари, газ ва сув	57 993
1.6	Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормаларида ва улардан ортиқча йўқолиши, яроқсизланиши ва кам чиқиши	3 362 518
1.7	Қоп ва қадоқлаш харажатлари	1 624 811
1.8	Бошқа моддий харажатлар	2 311 421
2	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	3 065 397
3	Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта ажратмалари	658 553
4	Асосий восита ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси	654 557
5	Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар	3 331 219
	ЖАМИ:	92 810 080

Акциядорлик жамияти электр энергияси харажатларини камайтириши, ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий йўқолиш нормаларида ва улардан ортиқча йўқолиши, яроқсизланиши ҳамда кам чиқишидан зарарларни камайтириши мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг бешинчи боби **“Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш”** деб номланиб, унда хўжалик юритувчи субъектларда рентабеллик кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш жараёни, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот аудитида халқаро стандартлардан фойдаланиш истикболлари ва молиявий натижалар аудити сифатини ошириш масалалари ёритилган.

Фойданинг хўжалик юритувчи субъект ривожланишида, мулкдорлар ва ишчиларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутиши уни самарали ва узлуксиз бошқариб боришни тақозо этади. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчилар истеъмолчи учун зарур махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва харажатларни камайтиришга ҳаракат қилади. Бироқ фақат фойда кўрсаткичи асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий

²² “Жомбойдонмахсулотлари” АЖ ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ҳолати ва фаолиятини баҳолаб бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, умумлаштирувчи баҳолаш ва мос келадиган бошқарув қарорлари қабул қилишда рентабеллик кўрсаткичлари алоҳида эътибор талаб қилади. Бу кўрсаткичлар хўжалик юритишнинг якуний натижаларини фойдадан кўра аниқроқ тавсифлайди, чунки уларнинг миқдори самаранинг мавжуд ёки фойдаланилган ресурсларга нисбатини кўрсатади. Хўжалик юритувчи субъектда рентабелликни бошқаришнинг самарали тизимини яратишгина максимал натижага эришишга хизмат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг активлар рентабеллигига таъсир этувчи омилларига баҳо бериш учун эконометрик модель тузиш тавсия этилди. Кўп омилли эконометрик моделнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$ROA_{it} = \beta_0 + \beta_1 STF_{it} + \beta_2 TOC_{it} + \beta_3 AST_{it} + \varepsilon_t, \quad (1)$$

бу ерда: ROA_{it} - t -даврда i - акциядорлик жамиятининг активлар рентабеллиги;

STF_{it} - t -даврда i - акциядорлик жамиятининг солиқ тўлангунга қадар фойдаси;

TOC_{it} - t -даврда i - акциядорлик жамиятининг умумий операцион харажатлари;

AST_{it} - t -даврда i - акциядорлик жамиятининг активлар миқдори;

ε_t - тасодифий хато.

“Алимкент пахта тозалаш” АЖ маълумотлари бўйича EViews 9 дастурида эконометрик моделни тузиш учун ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Кўп омилли эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$ROA_{it} = 1,062088 + (1,30692 E - 06) \cdot STF_{it} - (6,136 E - 10) \cdot TOC_{it} - (1,33589 E - 08) \cdot AST_{it}$$

(28,21) (40,726) (-1,3104) (-29,008)

(Қавслар ичида келтирилган қийматлар ҳар бир омилнинг ишончилигини аниқлайдиган t -Стюдент мезонининг қийматлари).

“Алимкент пахта тозалаш” АЖ маълумотлари бўйича тузилган кўп омилли эконометрик моделдан шундай хулоса қилиш мумкинки, солиқ тўлагунга қадар бўлган фойда миқдорининг ошиши активлар рентабеллиги кўрсаткичининг ошишига, умумий операцион харажатларнинг ошиши эса маълум миқдорда активлар рентабеллиги кўрсаткичининг камайишига ҳамда активлар умумий миқдорининг кўпайиши активлар рентабеллигининг камайишига олиб келади.

Аудиторлик текширувларида молиявий натижалар бўйича ички назорат дастурини қўллаш ички назорат объектлари ва ички назорат бўйича ахборот манбаларини аниқ белгилаш имконини беради.

Тадқиқот давомида молиявий натижалар ички назорати методикаси ишлаб чиқилган. Мазкур методика молиявий натижалар бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назоратини дастлабки баҳолаш, таҳлилий амаллар ва назорат амалларини қўллашни ўз ичига олади (6-жадвал).


Молиявий натижалар ички назорати методикаси²³

Бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назоратини дастлабки баҳолаш					
Бухгалтерия ахборотларини ўрганиш		Бухгалтерия ахборотлари ишончлилигини дастлабки баҳолаш		Тўпланган ҳужжатларни тестлаш	Тўпланган маълумотлар асосида қарорлар қабул қилиш
Таҳлилий амалларни қўллаш					
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини унинг режадаги кўрсаткичлари билан солиштириш	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг амалдаги кўрсаткичларини аудиторлик ташкилоти томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари билан солиштириш	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ёки ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзи томонидан белгиланадиган меъёрий ҳужжатлар билан солиштириш	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини молиявий ҳисобот таркибига кирмайдиган кўрсаткичлар билан солиштириш	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларини тармоқнинг ўртача маълумотлари билан солиштириш	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичларининг вақт ўтиши давомида ўзгаришлари ва улар билан боғлиқ бўлган нисбий коэффициентлар таҳлили
Назорат амаллари					
Операцион фаолият бўйича молиявий натижалар кўрсаткичларини текшириш	Бошқа даромад ва харажатлар ҳисоби тўғрилигини текшириш	Давр харажатлари тўғрилигини текшириш	Молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар ҳамда фавқулодда фойда ва зарарларнинг тўғрилигини текшириш	Фойдадан солиқ тўғри ҳисобланганлигини текшириш	Соф фойданинг мақсадли ишлатилишини текшириш

Демак, дастлабки босқичда молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ахборотларини ўрганиш ва бошқа ташкилий ишларни ўз ичига олади. Таҳлилий амаллар эса 6 турдан иборат бўлиб, ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижалари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Молиявий натижалар ҳисоби тўғри юритилганлигини текширишда ички назорат амалларининг қўлланилиши молиявий натижалар кўрсаткичларининг тўғри шаклланиши ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилиги ошишига хизмат қилади.

Молиявий ҳисоботлар устидан назорат олиб борилиши даркор. Тадқиқот давомида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот устидан назоратнинг 3 босқичли алгоритми ишлаб чиқилди.

²³ Муаллиф томонидан тузилган



6-расм. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот назоратининг уч босқичли алгоритми бажарилиши²⁴

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот назоратининг уч босқичли алгоритми ички аудитда ҳам, ташқи аудитда ҳам қўлланилиши ҳисобот устидан назоратнинг самарали қўлланилишига хизмат қилади.

²⁴ Муаллиф томонидан тузилган

ХУЛОСА

Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Бухгалтерия ҳисобида молиявий натижалар, фойда, зарар, даромад, харажат, чиқим, сарф сингари иқтисодий категориялар кенг қўлланилади. Тадқиқот давомида хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби тизимида молиявий натижаларнинг тутган ўрнига баҳо берилди. Шунингдек, чиқим, сарф ва харажат категорияларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари илмий жиҳатдан асосланди.

2. Тадқиқот давомида статик, динамик ва органик баланс назариялари ва уларнинг молиявий натижалар шаклланишига таъсири ўрганилди. Ф.Шмиднинг органик баланс назариясини тадқиқ қилиб, мазкур назария статик ва динамик баланс назариялари ўртасида муроса ўрнатадиган назария эканлиги аниқланди. Мазкур назария бир вақтнинг ўзида икки мақсадни кўзлайди: мулкӣ ҳолатни аниқлаш (статик назария) ва ҳаққоний молиявий натижани аниқлаш (динамик назария). Органик назария ҳозирги кунда МҲХСни такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшмоқда, яъни мазкур назария жорий қийматни кенг қўллаш асосида молиявий натижалар хусусида ишончли ва ҳаққоний ахборот олишни таъминлаб, муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилади.

3. Молиявий натижалар ҳисобининг тўғри юритилиши ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилиги кўп жиҳатдан ҳисоб принципларининг ўз вақтида, тўғри ҳамда аниқ қўлланилишига боғлиқ. Аввало, фаолиятнинг узлуксизлиги, ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги, олинган даромадларнинг сарфланган харажатларга мос келиши ҳамда эҳтиёткорлик принциплари молиявий натижалар тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади.

4. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларда фойдани оширишнинг янги имкониятларини топиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу эса, молиявий натижаларни шакллантиришнинг концептуал жиҳатларини такомиллаштиришни талаб этади. Тадқиқот давомида фойдани аниқлашдаги мавжуд синтактик, семантик ва прагматик концепциялар ўрганилди. Синтактик концепцияда фойдани аниқлаш қоидалари нуқтаи назаридан уни кўриб чиқиш тушунилади. Семантик концепцияда муаян бозор шароитида мулкдорнинг қўйилган капитали самарадорлигини ифодаловчи фойда ҳажмини ошириш тушунилади. Прагматик концепция инвестор ва кредиторларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнига фойдага оид ҳисоб маълумотларининг таъсирини кўзда туттади. Фойдани акс эттиришга оид юқоридаги учта концепция бухгалтерия ҳисоби назарияси ва методологиясини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшади.

5. Маълумки, бухгалтерия ҳисобининг асосий функцияларидан бири ахборот билан таъминлашдир. Молиявий натижалар ҳисоби ахборотлари

хўжалик юритувчи субъект бошқарувини ҳисоб-таҳлилий маълумотлар билан таъминлашнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади, молиявий ҳисоботда тақдим этилган молиявий натижалар кўрсаткичлари эса турли фойдаланувчилар гуруҳлари учун бошқарув қарорлари қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар беқарорлик ва ноаниқлик ҳолатида, даврий ўзгаришлар таъсирида ишлашига тўғри келади. Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётига интеграция ва глобаллашув жараёнлари улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтирган ва ўзаро муносабатларни мураккаблаштирган ҳолда халқаро муносабатлар қатнашчилари сонини оширишга олиб келиши муқаррар. Шу тариқа хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш борасида ахборот-таҳлилий таъминот тизимини иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги шароитларига мослаштириш зарур.

6. Республикамиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни тақозо этмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини қўллаш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шу боис, молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштиришда жаҳон миқёсида 2018 йил 1 январдан амалиётда қўлланила бошлаган “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум” номли 15-сон МҲХС талабларидан кенг фойдаланиш даркор. Мазкур стандарт даромадларни тан олиш ва уларни баҳолаш борасида янгича ёндашувларни илгари сурмоқда. Мазкур стандарт талабларини кенг қўллаш хорижий инвесторлар учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини тўғри талқин қилиш ҳамда фойда ва зарарлар хусусида аниқ маълумот олиш имконини кенгайтиради.

7. Тадқиқот давомида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш бўйича жаҳон тажрибаси умумлаштирилди ва танқидий тарзда ўрганилди. Хусусан, бу борада Германия ва Францияда мазкур ҳисоботни тузиш талаблари қиёсий таҳлил қилинди. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида тузиладиган “Ялпи даромад тўғрисида ҳисобот” таркиби ва уни тузиш тартиби батафсил ўрганилди. Изланишлар кўрсатишича, халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг асосий хусусияти уларнинг таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти кенглигидадир. Шу нуқтаи назардан, республикамизда ҳам молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари асосида босқичма-босқич такомиллаштириш зарур.

8. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарали йўлга қўйилишида улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва бу жараёнда бюджетлаштиришни кенг қўллаш мақсадга мувофиқ. Бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни бюджетлаштириш самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичларини аниқлаш, харажатларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, даромадларни ошириш йўналишларини белгилашда муҳим ўрин тутди. Фикримизча, бюджетлаштириш фойда миқдорини оширишда бой берилаётган имкониятларни излаб топиш ҳамда уларни ўз вақтида

бартараф этишда асосий дастаклардан бири ҳисобланади. Тадқиқот давомида “Бюджетлаштириш тўғрисида Низом” ва “Даромад ва харажатлар бюджети” шакли ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

9. Жаҳон мамлакатларида аудиторлик фаолияти ривожланишининг ҳозирги тенденциялари кўрсатмоқдаки, мазкур фаолият, аввало, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончли ҳамкори ҳамда маслаҳатгўйи ҳисобланади. Мамлакатимизда аудиторлик фаолияти ривожланишининг ҳозирги ҳолатига кўра, нафақат амалий жараёнда, балки қонунчилик ҳужжатларида ҳам баъзи камчиликлар кузатилади. Тадқиқот давомида аудитнинг принциплари таркибига “ҳалоллик” принципини қўшишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бу борадаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасининг 7-моддасида ўз аксини топган. Мазкур принципнинг киритилиши аудиторлик текшируви, шу жумладан молиявий натижалар аудитини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш имконини беради. Зеро, аудиторлик фаолиятида принципни тўғри қўллаш ҳамда унга риоя этиш фаолиятни тўғри ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

10. Тадқиқот давомида молиявий натижалар аудитини ўтказиш алгоритми, даромад ва харажатларни тан олиш тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш тартиби, молиявий натижалар аудитининг дастури молиявий натижалар ҳисоби бўйича ички назорат амаллари, молиявий натижалар ички назорати методикаси ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот назоратининг уч босқичли алгоритми ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат ва тартиблар молиявий натижалар аудитини сифатли ташкил қилиш ва холис аудиторлик ҳулосасини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

11. Аудиторлик текширувининг сифати унда таҳлилий амалларнинг нечоғлик тўғри қўлланилишига боғлиқ. Таҳлилий амаллар бухгалтерия ҳисобида нотўғри акс эттирилган хўжалик муомалалари, шунингдек, хатоларни аниқлаш мақсадида текширилаётган иқтисодий субъектнинг муҳим молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқ қилиш, аудитор томонидан тўпланган маълумотларни баҳолаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олувчи аудиторлик амалларининг хилма-хиллигидир. Мазкур амалларни кенг қўллаш натижасида маҳсулот таннархи ва бошқа харажатларни камайтириш, даромадларни ошириш резервларини аниқлаш мумкинлиги аниқланди.

12. Молиявий натижалар аудити якунида аудитор томонидан рентабеллик кўрсаткичлари аниқланади. Рентабеллик кўрсаткичлари турли-туман бўлиб, уларни аниқлашда нафақат соф фойда, балки солиқ тўлангунга қадар фойда ҳамда ялпи молиявий натижа (ялпи фойда) кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади. Уларнинг қайси биридан фойдаланиш, манфаатдор шахсларнинг қизиқиш доирасига боғлиқ. Тадқиқот давомида активлар рентабеллиги таъсир этувчи кўрсаткичлар эконометрик модель асосида ўрганилди ва уларнинг таъсир этиш даражаси баҳоланди.

13. Аудиторлик фаолияти мунтазам такомиллашиб бориши зарур. Шу жиҳатдан аудиторлик фаолиятида молиявий натижалар аудитининг сифатини ҳам ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторига

киради. Тадқиқот давомида аудитор иши сифатининг назорати текширувнинг ҳар бир босқичида ўтказилиши, аудит иши сифатининг назоратини аудиторлик ташкилотининг иш ҳужжатларида расмийлаштириш ҳамда молиявий натижалар аудити иши сифатини баҳолашда молиявий натижалар шаклланишининг барча босқичларини ўрганиш мақсадга мувофиқлиги белгиланди.

Тадақиқотда келтирилган илмий натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг назарияси ҳамда методологиясини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017.I.17.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ
ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

АВЛОКУЛОВ АНВАР ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ УЧЕТА И АУДИТА
ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ**

08.00.08–Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ЭКОНОМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2019

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.DSc/Iqt115.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.ifi.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный консультант: Каримов Акрам Аббасович
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: Пардаев Маммаюнус Каршибоевич
доктор экономических наук, профессор

Аликулов Абдимухаммад Немаатович
доктор экономических наук, доцент

Каримов Незматулла Фатхуллович
доктор экономических наук

Ведущая организация: Ташкентский государственный экономический университет

Защита диссертации состоится 20.07 2019 года в 14⁰⁰ на заседании научного совета DSc.27.06.2017.1.17.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском финансовом институте. Адрес: 100000, проспект Амира Темура, 60А, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: tmi@tmi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (регистрационный № 23). Адрес: 100000, проспект Амира Темура, 60А, Тел.: (99871) 234-53-34.

Автореферат диссертации разослан 6.07 2019 года.
(протокол реестра № 23 от 6.07 2019 года).



И.Н. Кузнец
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
д.э.н., профессор

Мехмоно
Член секретариата научного совета по присуждению ученых степеней,
д.э.н., профессор

Ж.Н. Каримкулов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней,
к.э.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора экономических наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время основной целью деятельности хозяйствующих субъектов является достижение финансовых результатов, т.е. получение максимальной прибыли. “По итогам 2018 года годовая чистая прибыль 10 крупнейших компаний мира составила 312,3 миллиард долларов США”¹. Это больше объема валового внутреннего продукта десятков стран мира. Особое внимание заслуживает тот факт, что во всех этих 10 компаниях учёт и аудит финансовых результатов организована согласно требований международных стандартов. Такое положение создает возможность для получения оперативной и достоверной информации об учете и аудите финансовых результатов, а также для принятия важных управленческих решений. Это свидетельствует о том, что выход на международный рынок требует выявления особенностей учета и аудита финансовых результатов иностранных партнеров, а также применения в них международных стандартов финансовой отчетности и аудита. Поэтому сегодня во всем мире уделяется внимание созданию учета и аудита финансовых результатов на основе международных стандартов. Во многих странах мира от компаний, разместившие свои акции на фондовых биржах, требуется составление отчета о финансовых результатов на основе международных стандартов. Необходимость организации учета и аудита финансовых результатов в соответствии с международными стандартами у хозяйствующих субъектов, функционирующие в различных отраслях и сферах экономики нашей страны, все более актуализирует данную проблему в современных процессах глобализации.

Как показали результаты проведенных научных исследований, в развитых странах мира ведутся множество научных исследований, направленные на организацию учета финансовых результатов в соответствии с международными стандартами в условиях глобализации. В них нашли свое решение такие основополагающие вопросы, как признание доходов и расходов, формирование финансовых результатов при различных теориях баланса, отражение финансовых результатов по различным концепциям в бухгалтерском учете, совершенствование информационного обеспечения бухгалтерского учета по финансовым результатам, применение аналитических процедур при аудите финансовых результатов, а также анализ показателей рентабельности. Необходимо отметить, что на современном этапе по направлениям исследования достигнуты следующие результаты: классификация доходов и расходов, формирование показателей отчета о валовом доходе, повышение надежности информации об учете финансовых результатов, выявление показателей рентабельности, применение уровня существенности и риска при аудиторских проверках, совершенствование повышения качества аудита финансовых результатов. Вместе тем важные

¹ <https://www.gfmag.com/global-data/economic-data/largest-companies>

вопросы, связанные с организацией методологии учета и аудита финансовых результатов в соответствии с требованиями международных стандартов, пока еще не нашли свое решение.

В частности, обеспечение прозрачности финансового отчета у хозяйствующих субъектов, формирование показателей финансовой отчетности на основе требований международных стандартов, утверждение достоверности информации о финансовых результатах имеет важное значение. Однако, качество финансовой отчетности и проведение их аудиторской проверки не соответствует требованиям международных стандартов. В частности, выделение таких проблем, как “неполное соответствие национальных стандартов аудиторской деятельности общепризнанным международным стандартам аудита, что не позволяет обеспечивать формирование у иностранных инвесторов понимания достоверности финансовой отчетности отечественных предприятий”² требует предотвращения методологических проблем учета и аудита финансовых результатов, формирования информации о финансовых результатах на уровне требований международных стандартов.

Настоящая диссертация служит важной методологической основой для реализации задач, указанных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, от 24 апреля 2015 года № УП-4720 “О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах”, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2018 года №ПП-3946 “О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан”, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 207 от 28 июля 2015 года “О внедрении критериев оценки эффективности деятельности акционерных обществ и других хозяйствующих субъектов с долей государства” и в ряде других нормативно-правовых документах, регулирующие эту сферу.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики “I. Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования, связанные с совершенствованием теоретических и методологических основ учета и аудита финансовых результатов

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2019 года № ПП-3946 «О мерах по дальнейшему развитию аудиторской деятельности в Республике Узбекистан». (<http://lex.uz/pdfs/3914502>)

³ <https://www.ifrs.org>; <https://www.aicpa.org>; <https://www.pwc.com>; <https://www2.deloitte.com>; <https://home.kpmg/xx>, <https://www.usf.edu>; <https://www.leeds.ac.uk>; <https://i2cner.kyushu-u.ac.jp>; <https://www.msu.ru>; <https://unecon.ru>; <https://www.bsu.edu.ru>; <http://tsue.uz>; <http://www.sies.uz>; <http://www.tfi.uz>.

проводятся ведущими научными центрами и университетами мира, в частности: International Accounting Standards Board (IASB), American Institute of Certificate Public Accounting (AICPA), Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche, KPMG, Rourkela National Institute of Technology (Индия), University of South Florida (США), University of Leeds (Великобритания), Kyushu University (Япония), Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Нижегородский государственный университет имени Н.И.Лобачевского, Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации (Российская Федерация), Ташкентский финансовый институт, Ташкентский государственный экономический университет, Самаркандский институт экономики и сервиса (Узбекистан).

По результатам научных исследований, проведенные в сфере совершенствования теоретических и методологических основ учета и аудита финансовых результатов, получены следующие научные результаты: разработаны правила составления и предоставления отчетов о совокупном доходе на основе международных стандартов финансовой отчетности (International Accounting Standards Board); рекомендована методология признания доходов в соответствии с МСФО (Pricewaterhouse Coopers, Deloitte & Touche); усовершенствована методология определения показателей рентабельности на основе информации бухгалтерского баланса и отчет о прибылях и убытках (Rourkela National Institute of Technology); исследован генезис формирования прибыли на основе диалектического подхода (Kyushu University); разработаны подходы по модернизации финансовой отчетности и предоставлению информации в условиях цифровой экономики (Нижегородский государственный университет имени Н.И.Лобачевского); разработана интеграционная система финансового, управленческого и налогового учета при отражении доходов и расходов в бухгалтерском учете (Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации).

В мире ведутся ряд исследований по совершенствованию теоретических и методологических основ учета и аудита финансовых результатов, в частности, по следующим приоритетным направлениям: совершенствование составления отчета о совокупном доходе на основе международных стандартов финансовой отчетности; методологические вопросы формирования информации бухгалтерского учета о финансовых результатах; методологические вопросы совершенствования методологии определения уровня существенности и риска при аудите финансовых результатов, а также повышения качества аудита финансовых результатов.

Степень изученности проблемы. Научные исследования по созданию и совершенствованию теоретических и методологических основ учета и аудита финансовых результатов проводились ряд зарубежными учеными-экономистами. К ним можно отнести Х.Андерсона, Э.А.Аренса, Ch.H.Gibsona, О.И.Гусарову, Б.Т.Жарылгасову, Д.Колдуэлла, А.И.Нечитайло, Б.Нидлза, Дж.К.Лоббека, В.Ф.Палий, Я.В.Соколова, В.П.Суйца, N.Trabelsi,

Dr. M. Tulsian и А. Д. Шеремета⁴.

В произведениях отечественных ученых-экономистов, таких, как А. И. Аликулов, Р. Д. Дусмуратов, А. К. Ибрагимов, А. А. Каримов, Н. Ф. Каримов, **З. Т. Маматов**, А. Х. Пардаев, М. К. Пардаев, Б. А. Хасанов, К. Б. Уразов, З. Н. Курбонов, Б. К. Хамдамов, изучены вопросы и направления развития теоретических аспектов учета и аудита финансовых результатов⁵.

Кроме этого, диссертации и монографии Х. Д. Ахмедова, З. Ф. Иватова, А. Р. Мухамедходжаева, М. Ю. Рахимова, А. Ж. Туйчиева, Ш. У. Хайдарова, А. С. Шамшетова послужили основой для научного обоснования финансовых результатов⁶.

Необходимо отметить, что в научных произведениях вышеприведенных ученых-экономистов не уделено глубокого внимания изучению именно методологических проблем учета и аудита финансовых результатов, а изменения действующих нормативных актов в соответствии с условиями модернизации экономики свидетельствуют о необходимости проведения глубоких научных исследований в данной области.

